



# 27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ



Tibbiyotning oliy maqsadi - inson salomatligiga erishishdir

№24  
(1458)  
2023 YIL  
22-IYUN

# O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ  
УЗБЕКИСТАНА



uzmeo'zbekistondasog'liqnisaglash

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA ♦ 1995 YIL OKTYABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Асрлар давомида халқимизга хос меҳр-оқибат, хайр-саховат каби эзгу умуминсоний қадриятларни намоен этиб келаётган Қурбон ҳайити жонажон Ватанимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ва шукроналик**

**фазилатларини янада мустаҳкамлашга беқиёс ҳисса қўшмоқда. Ушбу улуг айёмнинг маънавий ҳаётимиздаги муҳим аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда уни мамлакатимизда муносиб нишонлаш мақсадида:**

1. Жорий йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 28 июнь – чоршанба кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорни инобатга олиб, юртимизда 2023 йил 28 июнь куни Қурбон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

2. Аҳолининг Қурбон ҳайити байрамини муносиб савияда ўтказиши учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 декабрдаги “2023 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини қўчириш тўғрисида”ги ПФ-270-сон Фармони билан иш ҳафтасининг туридан катъи назар барча ходимлар учун 2023 йилнинг 29-30 июнь кунлари, олти кунлик иш ҳафтасида ишлайдиган ходимлар учун 1 июль куни қўшимча дам олиш куни сифатида белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда

Қурбон ҳайити халқимизнинг миллий анъана ва қадриятларига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

4. Маданият ва туризм вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун Қурбон ҳайити кунларида мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларни ташкил этиш мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М. Камиллов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ.

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 19 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## АҲОЛИНИНГ РУҲИЙ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ХИЗМАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Аҳолининг руҳий саломатлигини муҳоғаз қилиш хизматини такомиллаштириш, руҳий ҳолат бузилишларини эрта аниқлаш, уларга ташхис қўйиш, руҳий ҳолати бузилган шахсларни даволаш сифатини ошириш, соҳада самарали бошқарув тизимини жорий этиш, илм-фанни ри-**

**вожлантириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш ва психиатрия муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолига ўз вақтида психиатрия ёрдами кўрсатилишини ташкил этиш мақсадида:**

Давоми 2 - бетда▶

Жорий йилнинг 20 июнь куни Соғлиқни сақлаш вазирлигида видеоселектор тарзида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов олиб борди.



## ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ШУНИНГДЕК, ТИББИЙ АСБОБ-УСКУНАЛАРНИНГ МАЪНАН ЭСКИРГАНЛИГИ ҲАМДА БИР ҚАНЧА МАВЖУД КАМЧИЛИКЛАР ТИЛГА ОЛИНДИ. ЙИГИЛИШ ДАВОМИДА МАСЪУЛЛАР СЎЗГА ЧИКИБ, ҲАҚИҚАТАН ҲАМ СОҲАДА ЎЗ ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР МАВЖУДЛИГИНИ ИНКОР ЭТИШМАДИ. ЙИГИЛИШ СЎНГИДА МУТАХАССИСЛАР СОҲА РИВОЖИ УЧУН ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР БЎЙИЧА ЎЗ ТАКЛИФЛАРИНИ БЕРИШДИ.

Йиғилиш кун тартибидеда Ўзбекистонда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасида олиб борилаётган профилактик ҳамда эпидемияга қарши тадбирлар самарадорлигини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди. Соғлиқни сақлаш вазири видеоселекторни кириш сўзи билан очар экан, мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган амалдаги фаолиятларга атрофлича тўхталди. Вазир кун тартибидедаги масалага тўхталар экан, мамлакатимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш борасидаги фаолиятларда амалга оширил-

ган ишлар қаторида ўз ечимини кутаётган камчилик ва муаммоларга, айниқса, кадрлар масаласи, шифохона ичи-инфекцияси ва бир қанча масалаларга жиддий эътибор қаратиб, мазкур соҳада йўл қўйилган хато ва камчилик ҳамда айрим раҳбарларнинг фаолиятга бўлган масъулиятсизлигини танқид остига олди.

Шунингдек, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Баҳодир Юсупалиев сўзга чиқиб, мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ишларга тўхталиб, вазир томонидан билдирилган мавжуд муаммо ва кам-

чиликларга алоҳида ургу қаратди. Масъул ходимлар томонидан қўмитанинг ҳудудлар кесимида ўтказилган текширув ва таҳлилий натижалари тўғрисида маълумотлар бериб ўтилди. Айрим ҳудудларда биноларнинг талабга жавоб бермаслиги, шунингдек, тиббий асбоб-ускуналарнинг маънан эскирганлиги ҳамда бир қанча мавжуд камчиликлар тилга олинди. Йиғилиш давомида масъуллар сўзга чиқиб, ҳақиқатан ҳам соҳада ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини инкор этишмади. Йиғилиш сўнгида мутахассислар соҳа ривожини учун янгича ёндашувлар бўйича ўз таклифларини беришди.

Видеоселектор якунида кўриб чиқилган, долзарб масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

## МЕҲНАТИНГИЗ ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ



27 ИЮНЬ - МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Маълумки, ҳар йили 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни мамлакатимизда кенг нишонланади.

Эътирофлиси шундаки, жамиятимизда демократик қадриятларни қарор топтириш, фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, дунёда ва мамлакатимизда содир бўлаётган ҳар қандай жараёнлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва ҳаққоний маълумотларни етказишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир. Шундай экан, ахборотларнинг тез, самарали қулай усулда олишимиз, фойдаланишимиз замирида машаққатли, масъулиятли ва шарафли касб эгалари, Сиз журналистларнинг фидокорона меҳнатингиз беқиёсдир. Шу сабабли оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсири, фаолият самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, уларнинг моддий техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, соҳа ходимлари меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантириш, Давлатимиз раҳбарининг ҳам доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Президентимиз қаерга бормасинлар, албатта, у ердаги журналистлар билан мулоқотда бўладилар.

Айниқса, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ёритишда тиббиёт ходимлари билан ёнма-ён туриб, бор билим ва маҳоратини аямаётган журналистлар меҳнати алоҳида эътирофга лойиқдир. Чунки тиббиётдек мураккаб бир соҳада қалам тебратиш ва унинг ҳар бир масъулиятни юракдан ҳис этиш учун журналистларда жасорат бўлиши керак. Том маънода тиббиётчи

Давоми 2 - бетда▶

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

# АҲОЛИНИНГ РУҲИЙ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ХИЗМАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

←**Давоми. Боши 1-бетда**

1. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг аҳоли руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

ихтисослаштирилган психиатрия ва наркология ёрдами кўрсатишнинг ягона вертикал бошқарув тизимини жорий этиш;

бирламчи бўғин тиббиёт муассасаларига руҳий саломатликни муҳофаза қилиш хизматларини интеграция қилиш;

руҳий ҳолати бузилган шахсларни дори воситалари билан эҳтиёжга кўра тўлиқ таъминлаш;

аҳоли, айниқса, болалар ва ўсмир ёшларнинг руҳий саломатлигини мустаҳкамлаш;

кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, мутахассисларни муносиб рағбатлантириш ва самарали меҳнати учун қўшимча шароитлар яратиш;

психиатрия муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2023 йил 1 июлдан бошлаб Республика ихтисослаштирилган наркология илмий-амалий тиббиёт марказини, амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда, Республика ихтисослаштирилган руҳий саломатлик илмий-амалий тиббиёт марказига (кейинги ўринларда – Марказ) айлантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

а) Марказ:

ихтисослаштирилган психиатрик, тиббий-психологик ва наркологик ёрдам кўрсатишни йўлга қўяди, ушбу йўналишларда юқори технологик моддий база ва илмий мактабни шакллантиради;

руҳий саломатликни таъминлаш йўналишидаги ишларни соғлиқни сақлашнинг барча даражаларида мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

б) ҳудудлардаги руҳий ва наркология касалликлари шифохоналари ва диспансерлари Марказнинг ҳудудий ташкилий-методик бўлинмалари ҳисобланади;

Марказ, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент

шаҳридаги ҳудудий бўлинмалари тиббиёт олий, профессионал ва ўрта махсус таълим муассасаларининг тегишли кафедралари учун асосий клиник база сифатида фаолият юритади.

3. 2023 йил 1 августдан бошлаб:

туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш марказининг туман (шаҳар) бўлинмалари штатларини қисқартириш ҳисобидан – тиббий психолог;

стационар ўринга эга бўлмаган руҳий-асаб касалликлари диспансерлари ва таркибида диспансер мавжуд бўлган руҳий касалликлар шифохоналарида – суицидолог;

стационар ўринга эга бўлган руҳий-асаб касалликлари диспансерлари ва руҳий касалликлар шифохоналарида – амалдаги штатлар доирасида қабул бўлими шифокори, навбатчи психиатр, тиббий психолог ёки психотерапевт штатлари жорий этилсин.

4. Бирламчи бўғин тиббиёт муассасаларида 2023 йил якунига қадар қуйидагиларни назарда тутувчи Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг руҳий ҳолат бузилишларида ёрдам кўрсатиш бўйича ҳаракатлар дастури амалиётга жорий қилинсин:

руҳий ҳолат бузилишини тиббиётнинг бирламчи бўғинининг ўзида эрта аниқлаш ва даволаш чораларини кўриш;

бирламчи бўғин тиббиёт муассасалари шифокорлари ва бошқа тиббиёт ходимларининг руҳий ҳолати бузилган шахсларни клиник баҳолаш, даволаш ва кузатиб бориш бўйича кўникмаларини ривожлантириш ва билимларини ошириш.

5. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ўқувчиларда ўзини ўзи бошқариш, мураккаб ҳаётнинг вазиятларини енгиб ўтиш кўникмаларини шакллантириш, депрессия, хавотирли ҳолатлар ва суицидларнинг олдини олиш бўйича махсус ижтимоий-эмоционал ўқув соатларини (Social Emotional Learning, SEL) умумий ўрта таълим муассасаларида мактаб дастуридаги мавжуд фанлар ва дарсдан ташқари жараёнлар доирасида йўлга қўйсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб тиббиёт ходимларини “психиатрия”, “суд психиатрияси”, “тиббий психология” ва “наркология” йўналишлари бўйича қайта тайёрлаш курсларида ўқитиш харажатлари Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб “Психиатрия”, “Тиббий психология” ва “Наркология” клиник ординатура ва магистратура мутахассисликларига қабул фақат давлат гранти асосида умумий қабул параметрлари доирасида амалга оширилади ҳамда қабул кўрсаткичлари ушбу мутахассисликларга бўлган ҳақиқий эҳтиёжни ўрганиш асосида шакллантирилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2023-2024 йилларда Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан камидан 40 нафар соҳа мутахассисларини нуфузли хорижий тиббиёт муассасалари ҳамда марказларига малака ошириш ва стажировка ўташ учун юбориш чораларини кўрсин.

7. 2023 йил 1 июлдан бошлаб туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларида фаолият юритаётган психиатр ҳамда психиатрия даволаш муассасаларида фаолият юритаётган психиатр, тиббий психолог, психотерапевт ҳамда суицидологларнинг лавозим маошига устама миқдори 25 фоиздан 50 фоизга оширилсин.

8. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда амбулатория шароитида даволаниш учун руҳий ҳолати бузилган шахсларни имтиёзли асосда дори воситалари билан таъминлашга 2023 йилда қўшимча 10 миллиард сўм маблағ ажратсин, 2024 йилдан бошлаб эса Давлат бюджетини параметрларини шакллантиришда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига асосан зарур маблағларни назарда тутсин;

ушбу қарорда белгиланган тадбирлар-

ни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни 2023 йилда соғлиқни сақлаш билан боғлиқ бошқа тадбирлар учун харажатларга кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан ҳамда 2024 йилдан бошлаб Давлат бюджетини параметрларида маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

9. Қуйидагилар:

2023-2024 йилларда аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ;

2023-2024 йилларда психиатрия муассасаларини тиббий ускуналар билан жиҳозлаш дастури 2-иловага мувофиқ;

Болаларнинг руҳий саломатлигини мустаҳкамлаш ва болалар психоневрологик хизматини такомиллаштириш чора-тадбирлари 3-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри болалар кўп тармоқли тиббиёт марказлари ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари учун зарур ташхислаш ва нейрореабилитация асбоб-ускуналарининг намунавий рўйхати 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 5-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

11. Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб соғлиқни сақлаш вазири А.Ш.Иноятов белгилансин.

13. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л. Н. Туйчиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 19 июнь

## МЕҲНАТИНГИЗ ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ

←**Давоми. Боши 1-бетда**

журналистлар мактаби ҳам шаклланиб бормоқда. Барчангизга яхши маълумки, Президентимиз томонидан соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, одамларни рози қиладиган ягона тизимга айлантириш бўйича тиббиёт тизимига юксак ишонч билдирилган эди. Айни шу мақсадда ҳам бугун олдимизда улкан вазифа ва топшириқлар турибди. Уларни ўз вақтида бажариш, тиббиётни инсонларга янада яқинлаштириш йўлидаги бу сазой-ҳаракатларни, албатта, кенг жамоатчилик ва оммавий

ахборот воситалари иштироки-сиз амалга ошириб бўлмайд.

Ишончим комилки, сизлар ўз касбининг ҳақиқий эгалари, шу соҳага ўзини бахшида этган жонкуяр журналистларсиз. Шундай экан, албатта, сизларга билдирилган ишонч ортида ягона мақсад – халқимизни рози қилиш масъулияти турибди. Сизлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар устида доимий иш олиб боришимиз зарур деб ўйлайман. Шу ўринда таъкидламоқчиманки,



журналистлар аввал, ахборот тарқатувчи ролини бажарган бўлса, айти пайтда ҳар бир ислоҳотга ўзгартиришга дахлдор касб эгалари қаторига кирди. Яна кўплаб нодавлат ОАВлар кўпайиб бормоқда. Бу эса рақобат дега-ни. Рақобат бор жойда интилиш бўлади. Иш сифати ошади ва соҳа ривожланади. Ҳозирги вақтда электрон оммавий ахборот воситалари, хусусан Интернет журналистикаси ҳаётимизга тобора

чуқур кириб бормоқда. Шундай экан,бу тезкор замонда Сиз ҳам Интернет журналистикаси ҳаётида фаол иштирок этасиз деган умиддаман.

**Азиз, оммавий ахборот воситалари ходимлари!**

**Сизларни касб байрамингиз билан табриклаб, барчангизга сихат-саломатлик хонадонларингизга тинчлик хотиржамлик, ижодий ишларингизга эса баркамоллик тилаб қоламан.**

**Амрилло ИНОЯТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазири.

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ

# ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН МУВАФФАҚИЯТ

Фахр билан айтиш жоизки, мамлакатимизнинг ҳар бир соҳасида ўзининг истеъдоди ва интеллектуал салоҳияти билан хорижий давлатларда халқаро эътирофга муносиб бўлаётган ва Янги Ўзбекистонимизнинг янги авлодига айланаётган ёшлари билан ҳақли равишда фахрланамиз. Шундай экан, кун кеча ана шундай халқаро миқёсда эътироф этилган муваффақиятга гувоҳ бўлдик. Янги Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги нуфузини оширишда тиббиёт ходимларининг, айниқса ушбу соҳа олимларининг ҳам ўз ўрни бор. Халқаро даражадаги тиббиёт технологияларини янада такомиллаштириш ҳамда ушбу технологияларни халқимиз саломатлигига хизмат қилишни ташкил этиш бугуннинг долзарб вазифасидир.



ютуқларни инobatга олган ҳолда ҳамда миншинвазив (кичик инвазив) усуллар ва бўғимларни эндопротезлаш каби инновацион тиббий технологияларни амалиётга жорий этишдаги хизматлари ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш, университетимизда ва Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш ҳамда тиббий таълим сифатини оширишда ўзининг беқиёс



Юртимизнинг яна бир фарзанди, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳи раҳбари тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, травматолог – ортопед Камолхўжа Эшназаровга Корея Республикасининг Теджон тиббиёт технологиялари институтининг профессори илмий даражаси берилди. 2023 йилнинг 20 июнь кунини Соғлиқни сақлаш вазирлигининг хайъат йиғилишида доктор Камолхўжа Эшназаровга профессорлик сертификатини Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов тантанали равишда топширди. Бу албатта, юртимиз тиббиёт аҳли учун катта ютуқдир.

жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам кенгайтиришдан манфаатдор. 2023 йил бошида Президентимиз Бюнг-ки Ли бошчилигида институтимиз ходимларининг Ўзбекистонга таширифи ташкил этилди. Ташириф давомида жамоамиз Сиз билан учрашди. Музокара-лар чоғида Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш тизимини жорий

Эътирофлиси шундаки, муносиб рағбат эгаси Камолхўжа Эшназаровнинг эришган ютуқлари хусусида Теджон тиббиёт технологиялари институти президенти Бюнг-ки Ли ўзининг эътирофли фикрларини Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятовга қуйидагича йўллади.



Корея Республикасининг Теджон тиббиёт технологиялари институти Сиз ва жамоангизнинг мамлакатларимиз ўртасидаги яқин муносабатларни ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатларини қадрлайди. Бугун биз Ўзбекистонда илм-фан, тиббиёт ва таълимнинг жадал ривожланишига олиб келадиган барча воқеаларни диққат билан кузатиб бормоқдамиз.

этиши ва институтимизни ташкил этиши, шунингдек, меморандум имзолаш таклиф этилди. Жамоамиз Самарқанддаги бир қанча тиббиёт коллежлари ва клиникаларида бўлди. Институтимизнинг маъмурий бўлими билан маслаҳатлашганимиздан сўнг Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини жорий этишга қарор қилинди. Дастлаб, Самарқанд шаҳридаги тиббиёт коллежини бошқариш учун институтимизга ўтказилади ва ушбу коллежда янги ўқув йўналиши ҳамда таълим-

нинг инновацион тизими (инновацион таълим тизими) ташкил этилади. Учрашув ва музокара-ларимизни ташкил этишда соғлиқни сақлашни ташкил этиш соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган доктор Камолхўжа Эшназаровнинг ҳиссаси катта бўлди. Бундан ташқари, доктор Камолхўжа Эшназаров Кореянинг Йонсей университети, Чоннам университети каби дунёга машҳур университетларида таҳсил олган ва кўп қанча корея профессорларининг талабасидир. Улар Америка, Европа, Осиё, жумладан,

Жанубий Кореядаги халқаро илмий журналларда йигирмадан ортиқ илмий мақолалари чоп этган. Кўп қанча мамлакатларда ўтказиладиган халқаро конференция, форум ва учрашувларда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Доктор Камолхўжа Эшназаровнинг илмий изланишлари ва амалий фаолияти институти-миз ривожланишининг устувор инновацион йўналишига тўғри келади. Айниқса, 3D-босма суяк имплантатлари ва суяк нуқсонларини эндопротезлаш амалиётида қўллаш, мушаклар мувозанатини ўрганиш ҳамда ортопедик беморларни даволаш ва реабилитация қилиш учун сканерлаш ёрдамида инсон биомеханикасини таҳлил қилиш ва бошқа кўп қанча жиҳатлар бизнинг илмий базамиз ва доктор Камолхўжа Эшназаровнинг амалий ишлари учун умумий қизиқиш уйғотмоқда. Шу муносабат билан, тиббиёт соҳадаги улкан илмий ва амалий

меҳнатларини баҳишида қилган доктор Камолхўжа Эшназаровга Теджон тиббиёт технологиялари институти профессори илмий даражаси берилди.

Шу ўринда таъкидламоқчиманки, Президентингиз Шавкат Мирзиёевга нафақат мамлакатингизда, балки бутун дунёда илм-фан ва тиббиёт ривожига хизмат қилаётган интеллектуал ёшларнинг янги авлодини тарбиялагани учун самимий миннатдорлик билдираимиз. Ишончимиз комилки, янги Ўзбекистоннинг янги авлоди бутун дунёда тиббиёт, тиббий технологиялар ва таълимни ривожлантиришида катта имкониятларга эга.

Сизни фуқароингиз доктор Камолхўжа Эшназаровнинг халқаро миқёсда эътироф этилган муваффақияти билан табриқлаймиз. Бу Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўси тан олинishi ва мустаҳкамланишидан яна бир бор далолатдир.

**Ҳамюртимиз Камолхўжа Эшназаровнинг эришган ютуқлари халқаро миқёсда эътироф этилганлиги Ўзбекистон тиббиётининг жаҳонҳам-жамятида ўз ўрни борлигини яна бир бор кўрсата олди десак, муболага бўлмайди.**

**Ибодат СОАТОВА.**

## ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Халқимизда “Минг марта эшитгандан кўра, бир марта бориб кўрган афзал” ҳамда “Бир инсон кўнглини олмоқ, Каъбани обод этган билан баробар” деган пурмаъно фикрлар бежизга айтилмаган. Шундай экан, ушбу ибораларни ўзларига шиор деб билган Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов ҳамда вазирликнинг масъуллари, шунингдек, Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари раҳбар ва шифокорлари, юртимиздаги барча тиббиёт институтларининг профессор-ўқитувчилари жорий йил бошидан буён республикаemiz ҳудудларида хизмат сафарига бўлишиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишдек, масъулиятли ишларда фаол иштирок этиб келмоқдалар.



карамай, мазкур оилавий поликлиникада юртимизда ягона бўлган кеча-ю кундуз

шароитлар, дори-дармон таъминоти ва бошқа масалалар ўрганилди. Бунинг баробарида муассасанинг стоматология бўлими ва тумандаги яна бир қанча тиббиёт муассасаларини қисқа муддатда қўшимча зарур тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш белгиланди.

Пойтахтлик марказларнинг раҳбарларидан иборат малакали шифокорлар вилоятнинг Марҳамат тумани марказий поликлиникасида аҳолини тиббий кўриқдан ўтказишди. Вазир Амрилло Иноятов Андижон вилоятидаги сафари давомида "Zamin bio health" инсулин дори восита-

**Ж**орий йилнинг 14 июнидан 19 июнигача Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов ва махсус гуруҳ Андижон вилоятида хизмат сафарига бўлиб қайтишди. Хўш, ҳақли савол туғилади? Мақсад ва вазифалар нималардан иборат эди? Бир сўз билан айтганда, улар гуруҳлар кесимида вилоятнинг 16 та шаҳар ва туманларига тақсимланиб, аҳолини юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий хизмат билан қамраб олиш, эҳтиёжманд беморларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш, уларнинг тиббиётга доир муаммоларини ўрганиш, уйма-уй юриш орқали оғир беморлар ҳолидан хабар олиш ҳамда касалликлар профилактикаси бўйича тарғибот ишларини олиб бордилар.

Келинг, яхшиси эътиборингизни мазкур хизмат сафарининг тафсилотларига қаратамиз.



## ЭЛ ДУОСИГА МУШАРРАФ БЎЛИШДАН ОРТИҚ БАХТ БОРМИ?



Хизмат сафарининг илк кунда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Андижон вилоятида давлат тиббиёт институтининг 2 минг ўринли ўқув биноси ҳамда клиникасининг янгидан бунёд этилаётган қурилиш ишлари билан танишиб чиқди. Вазир Амрилло Иноятов мазкур фаолиятларга жиддий эътибор қаратиб, масъулларга керакли топшириқ ва тавсиялар берди.

Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов бошчилигидаги ишчи гуруҳ хизмат сафари доирасида Андижон вилоятининг бир неча ҳудудларида бўлиб, аҳоли билан учрашди. Аввало, вазир Амрилло Иноятов Олтинкўл туман кўп тармоқли марказий поликлиникасида республика ва вилоят тиббиёт муассасаларининг малакали шифокорлари иштирокида ташкил этилган сайёр тиббий қабул жараёни билан танишиб, беморлар, қолаверса, фуқаролар билан суҳбатда бўлди. Аҳоли билан юзма-юз учрашишдан асосий мақсад, уларнинг тиббиётдан қанчалик рози эканликлари ва саломатлигида муаммо бўлган фуқароларга амлий ёрдам кўрсатиш масалаларига эътибор қаратилди. Шундан сўнг вазир тумандаги 41-сон оилавий поликлиникада бўлиб,

ушбу тиббиёт муассасасида беморлар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишди. Таъкидлаш муҳимки, мазкур поликлиника ҳудудда яшовчи қарийб 30 минг нафар аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Учрашув давомида масъуллар аҳоли вакиллари билан суҳбатлашиб, улар томонидан мурожаатларга тезкор ечим топиш чоралари кўрилди. Шунингдек, беморларга бепул тарқатилган дори воситаларини сифатли сақлаш мақсадида тумандаги барча оилавий поликлиникаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича масъулларга зарур тавсиялар берилди.

Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов хизмат сафари чоғида Балиқчи туманида бўлиб, ҳудудда сифатли тиббий хизматни "маҳаллагача тушириш", тизимни одамларга янада яқинлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Дастлаб, вазир Сиза қишлоғида жойлашган 13-сон оилавий поликлиникасида беморлар учун яратилган шароитларни кўздан кечирди. Таъкидлаш лозимки, ушбу аҳоли пункти туманнинг энг олис гўшаларидан бири бўлиб, туман марказидан салкам 40 километр узоқликда жойлашган. Шунга

фаолият олиб борувчи стационар шифохона ташкил этилган. Қолаверса, аҳоли давлат томонидан 120 турдаги дори воситалари билан бепул таъминланапти. Бу эса оғир ва сурункали хасталикларга чалинган беморларни ўз яшаш ҳудудидан чикмаган ҳолда сифатли тиббий хизмат олиш имконини яратмоқда. Вазир кекса беморлар ва тиббиёт ходимлари билан суҳбат давомида вилоятда ўтказилаётган саломатлик тадбирларидан кўзланган мақсад мамлакатимизнинг олис ва чекка қишлоқларида яшаётган аҳолини сифатли тиббий хизмат билан қамраб олиш, фуқароларнинг саломатлиги, даволаниши билан боғлиқ муаммоларини бартараф этишга кўмаклашишдан иборат эканини таъкидлади. Шунингдек, ҳар бир фуқаронинг мурожаатига эътибор қаратиб, касалликлар аниқланган ижтимоий ҳимояга муҳтож, сурункали хасталиги бор беморлар рўйхатини шакллантириш орқали уларни вилоят ва республика даражасидаги тиббиёт муассасаларида бепул соғломлаштириш бўйича масъулларга зарур топшириқлар берди. Шундан сўнг оилавий поликлиника қошида ташкил этилган стационар шифохонадаги беморлар ҳолидан хабар олиниб, улар учун яратилган

лари ишлаб чиқарувчи корхонаси фаолияти билан яқиндан танишди. Шунингдек, корхонада олиб борилаётган фаолият жараёнлари ҳамда ишлаб чиқарилаётган дори воситаларининг сифати ва меъёрий талабларига ҳам алоҳида эътибор қаратди ҳамда корхона раҳбари ва масъуллари билан суҳбатда бўлиб, ўзининг таклиф ва маслаҳатларини берди. **Мазкур корхона Марказий Осиё давлатларида ягона ҳисобланади.**

Хизмат сафари давомида Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Бўстон туманига ташриф буюриб туман ҳокими, тиббиёт ходимлари, тадбиркорлар билан учрашув ўтказди. Йиғилиш давомида масъуллар томонидан тиббиёт муассасалари фаолияти таҳлил қилиниб, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилди. Туман тиббиёт бирлашмасига замонавий жиҳозлар кераклиги тиббиёт ходимлари томонидан айтиб ўтилган эди, орадан бир кун ўтиб, Бўстон туман тиббиёт бирлашмасига 3 миллиард сўмлик замонавий жиҳозлар келтирилди. Бўстон туман ҳокими ва туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари Давлатимиз раҳбари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирига ўз миннатдорлигини билдирди.

Андижон давлат тиббиёт институти ректори профессор Алишер Мадазимов ҳамда Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори профессор Наргиза Парпиевалар бошчилигидаги юкори малакали шифокорлар Асака туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиникада аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказдилар.

Аввало, профессорлар Алишер Мадазимов ҳамда Наргиза Парпиевалар Республика илмий-амалий тиббиёт марказлари ҳамда Андижон давлати тиббиёт институти профессорлари ва вилоят марказларининг шифокорлари билан юкори

технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга эҳтиёжи бор беморларга вилоят ва Республика марказларига имтиёзли йўланмалар тақдим этишиб, уларни саломатлигини тиклаш бўйича тушунтириш ишлари олиб бордилар. Шунингдек, профессор Наргиза Парпиева Асака туман Файзобод маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф буюриб, аҳоли хонадонларида бўлди ва аниқланган муаммолар жойида ҳал этилди. Шу билан бир қаторда марказ раҳбари томонидан IV-гуруҳдаги фуқаролар тиббий кўриқдан ўтказилиб, зарурий тиббий тавсия ва кўрсатмалар берилди. Бу албатта, ўз навбатида фуқаролар узоғини яқин қилиш, инсон қадрини улуглашга хизмат қилади.

Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов Андижон вилоят психоневрология диспансери ва Республика ихтисослаштирилган наркологиya илмий-амалий тиббиёт марказининг Андижон вилоят филиалида-

ги фаолиятлар билан яқиндан танишди. Бунинг баробарида вазиr шифо масканларида даволанаётган беморлар ҳолидан хабар олди. Айниқса, болалар бўлимидаги бемор болалар ва оналари билан суҳбат ўтказди.

*Хулоса қилиб айтганда, тиббиётнинг олий мақсади - инсон саломатлигига эришишдир. Зеро, Президентимиз ҳар бир соҳада халқимиз розилигига эришиш бу катта мақсадимиз эканлигини бежизга такрор ва такрор айтмайдилар. Шундай экан, ушбу мақсадни ўз олдларига муҳим вазифа қилиб олган Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу борадаги фаолиятларни изчиллик билан давом эттиришига ишончимиз қомил.*

Ибодат СОАТОВА.



ҚУВОНЧЛИ ЛАҲЗАЛАР

# ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ САМАРАЛИ НАТИЖАСИ

Хабарингиз борки, бундан уч йил аввал, Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятовнинг ташаббуси билан Туркиянинг "Соғлиқ билимлари" университети факультети Бухоро Давлат тиббиёт институтида ташкил этилган эди. Шу кунга қадар мазкур факультетда жами 550 нафар талаба таҳсил олаётган эди. Кунни кеча ушбу факультетнинг илк битирувчилари учун энг қувончли кун бўлди. Малакали тиббий хизматлар олий мактабининг илк битирувчиларига диплом топширилди.



Мазкур муассасага 2020/2021 ўқув йилида 80 нафар талаба анестезиология, биринчи шошилинч ёрдам ва физиотерапия йўналишларида ўқишга тавсия қилинган эди.

Битирув маросимида Туркиянинг мамлакатимиздаги Фавқу-

лодда ва мухтор элчиси Олган Бекар, Соғлиқ билимлари университети ректори доктор Жавдат Эрдол ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бухоро давлат тиббиёт институти, Самарқанд давлат тиббиёт университети масъуллари, профессор-ўқитувчилар ва тала-

баларнинг ота-оналари иштирок этди. Шунингдек, тадбир доирасида Туркия томони Самарқанд давлат тиббиёт университети билан ҳам ҳамкорлик меморандуми имзолади. Бу албатта, Халқаро ҳамкорликнинг самарали натижасидир.

